Соч қирдириш, қисқартириш ва эҳромдан чиқиш масалалари

05:00 / 16.01.2017 7205

Ҳожилар Ақаба тошини отганларидан сўнг (агар қирон ёки таматтуъ ҳажи қилувчи бўлсалар, шукр қурбонлигини ҳам сўйганларидан кейин) ёки умра қилувчилар умра арконларини адо этганларидан сўнг, сочларини олдириб (қирдириб ёки қисқартириб) эҳромдан чиқишлари вожибдир. Қуйида соч қирдириш ва қисқартириш ҳамда эҳромдан чиқиш билан боғлиқ масалалар батафсил баён этилади.

Эҳромдан чиқиш тариқаси

Эркак киши ҳаж ёки умранинг барча арконларидан фориғ бўлгач, эҳромдан чиқиш нияти билан сочини қирдиради. Агар сочи узун бўлса, уни қисқартириши ҳам жоиз. Лекин, у учун сочни қисқартиришдан кўра қирдириш афзал ва яхшироқдир. Аёллар эса эҳромдан чиқаётганларида сочларини ҳаммасини жамлаб, учидан бармоқнинг бир бўғими (тахминан 3см) миқдорича кесадилар, лекин эҳтиётан бир бўғимдан зиёдароқ кесишлари афзалдир. Улар учун сочларини фақат қисартириш вожиб. Чунки, аёлларнинг соч қирдириши ҳаром қилинган.

("Ғунятун носик")

Эҳромдан чиқиш учун макон ва замонни тайин қилиш вожиб

Ҳаж эҳромидан чиқиш учун соч олдирадиган кишига икки иш лозим бўлади:

1. Сочни Ҳарам ҳудудида олдириш. Агар киши эҳромдан чиқиш учун сочини Ҳарам ҳудудидан ташқарида олдирса, унга бир жонлиқ сўйиш

лозим бўлади.

2. Сочни 10-зулҳижжа билан 12-зулҳижжа оралиғидаги вақтда олдириш. Агар киши 12-зулҳижжанинг қуёши ботгунга қадар соч олдириб эҳромдан чиқа олмаса, унга бир жонлиқ сўйиш лозим бўлади.

Умра эҳромидан чиқиш учун эса бирор вақт тайин қилинган эмас. Уни қанча хоҳласа, шунча кечиктириш мумкин. Лекин, умра эҳромидан Ҳарам ҳудудида чиқиш вожиб. Демак, умра эҳромидан чиқиш учун замон тайин қилинмаган бўлса ҳам, макон тайин қилинган экан. Шунинг учун киши умра эҳромидан Ҳарам ҳудудидан ташқарида соч олдириб чиқса, бир жонлиқ сўйиши лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Ҳожи эҳромдан қачон чиқади?

Агар киши муфрид (ифрод ҳажи қилувчи) бўлса, қурбонлик куни Ақаба тошини отгандан кейин сочини олдириб, эҳромдан чиқади. Агар у тош отишдан олдин соч олдириб, эҳромдан чиқадиган бўлса, жаримасига бир жонлиқ сўйиши лозим бўлади.

Агар қирон ёки таматтуъ ҳажи қилувчи бўлса, тош отгандан кейин шукр қурбонлигини сўйиб, сўнг эҳромдан чиқади. Қирон ёки таматтуъ ҳажи қилувчи қурбонликдан олдин соч олдириб эҳромдан чиқадиган бўлса, унга (шукр қурбонлигидан ташқари) жарима сифатида бир жонлиқ сўйиш лозим бўлади.

("Зубдатул маносик").

Калта сочларни қисқартириш жоиз эмас

Агар бирор киши сочини қисқартиришни хоҳласа, унинг сочи энг ками бармоқларининг бир бўғимига (тахминан 3 см га) баробар миқдорини кесиб ташлаш мумкин бўлган даражада узун бўлиши лозим. Бундан калта бўлган сочларни қисқартириш дуруст эмас, балки қирдириш вожиб. Агар ўшанчалик калта сочларни қирдириш ўрнига қисқартирса, зиммасига жарима сифатида бир қурбонлик (қўй ёки эчки) сўйиш вожиб бўлади. Ҳа, албатта, калта сочларини қисқартирган киши эҳромда манъ қилинган ишларни амалга оширишдан олдин сочларини қирдириб ташласа, зиммасидаги қурбонлик соқит бўлади.

("Бадойиъус санойиъ", "Ғунятун носик").

Сочнинг ҳаммасини қириш ёки қисқартириш

Киши эҳромдан чиқаётганида энг ками сочининг тўртдан бир қисмини қириши ёки қисқартириши вожибдир. Мана шу миқдорни олиш билан у эҳромдан чиққан ҳисобланаверади. Лекин, бундай қилиш суннатга хилоф бўлгани учун макруҳдир. Суннатга мувофиқ бўлиши учун эса киши сочининг ҳаммасини қирдириши ёки ҳаммасини баробар қисқатириши керак.

Демак, киши эҳромдан сочини қирдириб чиқмоқчи бўлса ва буни суннатга мувофиқ бўлишини хоҳласа, у сочининг баъзисини эмас, балки ҳаммасини қирдириши керак бўлади.

Агар сочини суннатга мувоқиф тарзда қисқартирмоқчи бўлса, ҳаммасини баробар қилиб қисқартиради. Лекин, бунда шарт шуки, сочи бармоғининг бир бўғимига (тахминан 3см) баробар миқдорини кесиб ташлаш мумкин бўлган даражада узун бўлиши лозим.

("Ғунятун носик").

Кал одам қандай эҳромдан чиқади?

Агар бирор кишининг сочлари тўкилиб кетганлиги ёки сал олдин умра қилиб, сочини қирдиргани сабабли бошида бирорта ҳам сочи қолмаган бўлса, ҳаж ёки умра эҳромидан чиқиш учун бошидан устара юргизиши лозимми ёки йўқми?

Бундай одам бошидан устара юргизиши вожиб. Агар устара юргизмасдан эҳромдан чиқса, қурбонлик сўйиши лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Ўз сочидан олдин бошқанинг сочини қириш

Ҳажнинг барча амалларидан фориғ бўлиб, эҳромдан чиқмоқчи бўлиб турган киши ўз сочидан олдин (эҳромдан чиқаётган) бошқа ҳожининг сочини қириб қўйиши дурустдир. Шунга биноан, агар киши ифрод ҳажи қилувчи бўлса, қурбонлик куни шайтонга тош отгандан кейин, қирон ёки таматтуъ қилувчи бўлса, қурбонлик қилгандан кейин ўз сочидан олдин бошқа ҳожининг сочини қириб қўйиши бекароҳат жоиздир.

("Ғунятун носик", "Фатово Раҳимийя", "Аҳсанул фатово")

Сочни қирувчи совун, крем ёки бошқа бирор нарса билан сочни қириш

Эҳромдаги киши крем билан сочни тозаласа, бу билан ҳам соч қиришнинг фарзи адо бўлаверади. Шаръан у одам ҳам сочини қирган ҳисобланади. Шунингдек, ғайри ихтиёрий тарзда ёки бошқа сабаблар билан ҳам сочни тозаласа, сочни қирдиришлик ҳукми собит бўлаверади.

Устара ёки қайчи топилмаслиги узр бўладими?

Агар ҳожи сочини қиришлик учун устара ёки қисқартириш учун қайчи топа олмаса нима бўлади? Бундай узр шаръан сочни қирдирмаслик ёки қисқартирмасликка сабаб бўла олмайди. Модомики ҳожи сочини қирмас ёки қисқартирмас экан, эҳромдан чиқиши мумкин эмас.

("Муаллимул ҳужжож").

Сочни кечқурун калталатиш

Сочни кундузи олдириш жоиз бўлганидек, кечқурун олдириш ҳам бекароҳат жоиз ва дурустдир.

("Муаллимул ҳужжож").

Эҳромдан чиқаётган вақтда сочни қириш ва қисқартиришдаги бепарволик

Эҳромдан сочни қириб ёки қисқартириб чиқилади. Бу суннатга мувофиқ тариқада бўлиши учун сочнинг ҳаммаси қирилиши ёки ҳаммаси баробар қилиб қисқартирилиши лозим. Баъзи кишилар сочни қиришдан қочадилар. Сочни қисқартиришда ҳам жуда кўп камчиликка йўл қўядилар. Унинг озгина ҳиссасини кесиб эҳромдан чиқиб кетадилар. Ёдингизда бўлсинки, сочнинг ҳаммасини баробар қилиб олмасликнинг тўрт хил шакли бор:

1. Бутун бошни тўрт ҳисса бўлиб, бир ҳиссасини ёки ундан кўпроғини баробар қилиб қисқартириш. Бундай қилган киши башартики, кесилган сочларининг узунлиги бармоқнинг бир бўғимига тенг (тахминан 3 см) ёки ундан кўпроқ бўлса, эҳромдан чиқади, лекин, у макруҳи таҳримий ишни амалга оширган ҳисобланади.

2. Бошнинг тўртдан бир ҳиссасидан камроғидаги сочларни калталатиш. Бундай қилган киши имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ наздларида эҳромдан

чиқа олмайди. У ҳануз эҳром ҳолатида, деб ҳисобланади. Эҳромга хилоф ишни қилиш билан унга жарима ҳам вожиб бўлади.

3. Бармоқнинг бир бўғимига (тахминан3см) баробар бўлмаган сочни қисқартириш. Бунчалик калта сочларни фақатгина қириш вожиб. Киши уларни қайчи ёки соч оладиган машинада қисқартиргани билан эҳромдан чиқа олмайди.

4. Бир кишининг сочи чиқмаган, яъни кал бўлса ёки бир неча соат олдин умра қилиб сочини қирдириб, иккинчи маротаба умра қилаётган бўлса, бундай суратда тамоми бошга устара юргизиши вожибдир.

Ҳаж ёки умра арконларини адо қилишдан аввал соч қирса

Киши ҳаж ёки умрага эҳром боғлаганидан сўнг (хоҳ билиб туриб, хоҳ билмай, хоҳ мажбурлик билан) сочини олдирса, эҳроми фосид бўлмайди. Балки, аввалгидек ўрнида бузилмай тураверади. Бундай қилган киши умра ёки ҳаж арконларини охирига етказиб, иккинчи маротаба соч олдириб эҳромдан чиқади. Лекин, зимммасига бир жонлиқ сўйиш лозим бўлади.

Эҳромли кишининг сочини қирган кишига жарима лозимми?

Агар бирор эҳромда бўлмаган киши эҳромли кишининг сочини у ғафлатда эканлиги ёки ухлаб ётганлигидан фойдаланиб ёки мажбурлаб олиб ташласа, бундай суратда у (соч олувчи) киши гуноҳкор бўлса-да, зиммасига ҳеч қандай каффорат ҳам, шунингдек, сочи олинган кишига товон тўлаб бериши ҳам лозим бўлмайди. Лекин, сочи олинган кишига бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади.

Агар эҳромли кишининг сочини олган кишининг ўзи ҳам эҳромда бўлса, унинг зиммасига бир садақа (ярим соъ буғдой), сочи олинган кишига эса битта қурбонлик вожиб бўлади.

("Ал-масолик фил маносик", "Ғунятун носик").

Эҳром ҳолатида гардан тукларни тозалаш

Эҳром ҳолатидаги киши гарданидаги тукларини тозаласа, жонлиқ сўйиши лозим бўлади. Чунки, гардан ҳам қирдириш борасида қаралганда алоҳида бир аъзо ҳисобланади. Бир аъзодаги тукларни мукаммал олдириш билан эса қурбонлик вожиб бўлишини айтиб ўтдик.

Эҳром ҳолатида соқол қириш

Эҳромли киши соқолини мукаммал ёки тўртдан бирини ёки ундан кўпроғини қирдирса ёки қисқартирса, қурбонлиқ вожиб бўлади. Агар тўртдан биридан камроғ бўлса, бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериш вожиб бўлади. Тўртдан биридан мурод соқолнинг узунлиги эмас, балки, юзнинг соқол чиққан қисмидир.

Эҳром ҳолатида мўйлабни қисқартириш

Рожиҳ (қувватли) қавлга кўра, эҳром ҳолатида мўйлабини (хоҳ ҳаммасини, хоҳ озгина хиссасини) олган кишининг зиммасига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Эҳром ҳолатида қўлтиқ ости тукларини тозалаш

Эҳромли киши қўлтиқ ости тукларини тозаласа, қурбонлик сўйиши вожиб бўлади. Хоҳ иккала қўлтиқ остини тозаласин хоҳ биттасини, ҳар икки суратда ҳам ҳукм бир хил. Агар бир қўлтиғнинг аксар, яъни кўпроқ қисмини тозаласа, садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериши лозим бўлади. Агар ярми ёки ярмидан камроқ қисмини тозаласа ҳам бир садақа лозим бўлади. Бу ҳукм учтадан кўп тукни тозалашгача давом этаверади. Агар учта тукдан камроқ бўлса, ҳар бир тук эвазига бир ҳовуч буғдой берса, кифоя.

Эҳром ҳолатида киндик ости тукларини тозалаш

Киши эҳром ҳолатида киндик ости тукларини (хоҳ устара билан, хоҳ крем билан, хоҳ юлиб ташлаш билан) тозаласа, унга бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Эҳром ҳолатида тирноқ олиш

Агар киши эҳромли ҳолатда иккала қўли ва иккала оёғидаги ҳамма бармоқларининг тирноғини олса, барчаси эвазига бир қурбонлик (қўй ёки эчки) вожиб бўлади. Агар фақат иккала қўли ёки фақат иккала оёғининг ҳамма тирноғини олса ҳам битта қурбонлик вожиб бўлади. Худди шундай агар фақат бир қўли ёки фақат бир оёғининг бешта бармоғининг тирноғини олса ҳам бир қурбонлик сўйиш лозим бўлади. Агар бир аъзодаги бешта бармоқдан камроқ бармоғнинг тирноғини олса, ҳар битта бармоқ эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериш кифоя.

(Фатово Тоторхонийя).